



2023
9 ОЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎЛОВ БАЛАНСИ
ВА ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ

Бу қандай
нашр?

Ушбу нашр 2023 йилнинг 9 ойи учун Ўзбекистоннинг тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси бўйича маълумотларни ўз ичига олиб, Халқаро валюта жамғармасининг “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланмаси”нинг олтинчи нашрига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) мувофиқ тайёрланган.

Маълумотлар
қайси санага
долзарб?

Ушбу нашрда келтирилган статистик маълумотлар 2023 йилнинг 28 декабрь ҳолатига долзарб ҳисобланади.

Маълумотларни
қаердан олиш
мумкин?

Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича таҳлилий ва стандарт кўринишдаги статистик жадваллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг <http://www.cbu.uz/> ва ХВЖнинг <http://data.imf.org/> веб-сайтлари орқали тақдим қилинмоқда.

Нашрга
тааллуқли
савол ва
таклифлар
бўйича қандай
мурожаат қилиш
мумкин?

О.О.Тожиддинов

Департамент директори ўринбосари – тўлов баланси бошқармаси бошлиғи

(+998) 71 212-60-77

o.tojiddinov@cbu.uz

Ш.Х.Хайитбоев

Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи ўринбосари

(+998) 71 212-60-42

sh.khayitboev@cbu.uz

Шунингдек, саволлар ва таклифлар қўшимча равишда val@cbu.uz электрон почта манзилига юборилиши мумкин.

ҚИСҚАЧА ШАРХ

2023 йилнинг 9 ойида Ўзбекистон тўлов балансининг **жорий операциялар ҳисоби** бир томондан, туризм соҳасидаги ўсиш суръатларининг пандемиядан олдинги даражага қайта тикланиши ва маҳсулот етказиб бериш занжиридаги узилишларнинг қисқариши, иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларида ялпи талабнинг пасайиши ва валюта курсларидаги тебранишлар, ташки қарзга хизмат кўрсатишнинг қимматлашиши ҳамда геосиёсий зиддиятлар оқибатида халқаро савдода юзага келаётган фрагментация жараёнлари кучайиши каби омиллар таъсирида, 4,8 млрд. доллар манфий сальдо билан шаклланди.

Ҳисобот даврида импорт ҳажмининг экспорт ҳажмига нисбатан юқорироқ суръатларда ўсиши натижасида, савдо балансининг манфий сальдоси 12 млрд. долларни ташкил қилди.

Экспорт ҳажми 17,9 млрд. доллар ва импорт ҳажми 29,8 млрд. долларга тенг бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан мос равишда 13 фоиз ва 17 фоизга кўпайди.

Экспорт таркибида товарлар 14,1 млрд. доллар ва хизматлар 3,8 млрд. долларни ташкил қилган бўлса, товар ва хизматлар импорти мос равишда 24,3 млрд. доллар ва 5,5 млрд. долларга тенг бўлди.

Бирламчи даромадлар сальдоси манфий қўринишда шаклланиб, 171,3 млн. долларни ташкил этди.

2023 йилнинг 9 ойида иккиласи даромадларнинг ижобий сальдоси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17 фоизга қисқариб, 7,3 млрд. долларга тенг бўлди.

Шунингдек, ҳисобот даврида халқаро пул ўтказмаларининг 2022 йилдаги ноодатий тарзда ўсиш суръатлари ўзининг тарихий (фундаментал) тенденцияларига қайтиши давом этмоқда.

2023 йилнинг 9 ойи якуни бўйича **молиявий ҳисоб** сальдоси манфий 6,4 млрд. долларни ташкил этди.

Молиявий активларнинг соф камайиши 680 млн. долларга тенг бўлиб, бунда бошқа инвестициялар билан боғлиқ операциялар 3,5 млрд. долларга ошган бўлса, халқаро захира активлари хорижий валюта компоненти ҳисобига 4,2 млрд. долларга қисқарди.

Молиявий мажбуриятлар бўйича операциялар 5,7 млрд. долларни ташкил қилиб, асосан тўғридан-тўғри ва бошқа инвестициялар билан боғлиқ операциялар ҳиссасига мос равишда 1,4 млрд. доллар ва 4,2 млрд. доллар тўғри келди.

Ҳисобот даврида мамлакатга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг капиталдаги соф ўсиши 855 млн. долларни, бош компаниялардан олинган қарзлар бўйича мажбуриятларнинг соф ўсиши 289 млн. долларни ташкил қилди. Маҳсулот тақсимотига оид битимлар (МТБ) доирасида инвестицияларнинг соф камайиши 359 млн. долларга тенг бўлди.

2023 йилнинг 9 ойида **портфель инвестициялар** манфий сальдоси номолиявий ташкилотлар капиталига хорижий портфель инвестицияларнинг жалб қилиниши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, тижорат банклари ва бошқа корхоналар томонидан чиқарилган халқаро облигациялари учун ҳисобланган фоизлар ҳамда “яшил” евробондлар ҳисобига 129 млн. доллар миқдорида шаклланди.

Ўзбекистон Республикасининг **соф инвестицион позицияси** кўрсаткичи 2023 йил 1 октябрь ҳолатига 14,2 млрд. долларни ташкил этди. Бунда, резидентларнинг чет эл валютасидаги активлари ҳажми 81,5 млрд. долларга, ташки мажбуриятларининг ҳажми эса 67,3 млрд. долларга тенг бўлди.

2024 ЙИЛ УЧУН КУТИЛМАЛАР

Геосиёсий жараёнлар шароитида жаҳон иқтисодиёти ва Ўзбекистон ташқи секторида вужудга келган ҳолат, халқаро молия ва товар-хомашё бозорлари конъюнктураси, меҳнат ва капитал миграцияси (хорижий сармояларнинг ривожланган ва ривожланаётган иқтисодиётлар ўртасида тақсимланиши), ташқи савдо ва логистика соҳаларидағи ўзгариш динамикаси, шунингдек, асосий савдо ҳамкорларида кейинги йилларда иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича эксперталарнинг кутилма ва баҳолашларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси тўлов балансининг кейинги йил учун **асосий** ва **муқобил** сценарийларда прогноз кўрсаткичлари шакллантирилди.

I. Асосий сценарий

Товар ва хизматлар экспорти. Кейинги йилда ташқи талабнинг мўътадил даражада (кескин ўзгаришларсиз) ўсишини ҳисобга олиб, шунингдек, иқтисодиёт айрим тармоқларининг (*тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат саноати ва қимматбаҳо бўлмаган металлар*) халқаро бозорларидаги нисбий устунлиги (рақобатбардошлиги) ҳамда давлат томонидан ушбу соҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш кўлами кейинги йилларда ҳам юқори даражада сақланиб қолиши натижасида **экспорт ҳажми (олтинсиз)** 2023 йилга нисбатан 13-15 фоизга ўсиши, бунда товарлар экспорти 10-12 фоиз атрофида ошиши кутилмоқда. Ўз навбатида, янги бозорларга чиқиш (халқаро GSP+ тизими) имкониятлари ва Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш билан боғлиқ харакатларнинг изчил давом эттирилиши рағбатлантирувчи омиллар сифатида кўрилмоқда.

Марказий Осиё транспорт коридорларидан фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон транспорт хизматларига юқори талабнинг мавжудлиги, Ўзбекистонда туризм ва ахборот технологиялари (IT) соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни инобатга олиб, 2024 йилда хизматлар экспорти 5,5-6 млрд. долларни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда.

Товар ва хизматлар импорти. Импорт товарларига нисбатан истеъмол талаби ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича инвестицион дастурлар доирасида машина-ускуна, транспорт воситалари ва хомашёга талабнинг юқори даражада сақланиб қолиши (2024 йилда реал ЯИМ ўсиши бўйича прогноз 5-5,7 фоиз¹), шунингдек Ҳукуматнинг фискал тақчилликни камайтириш (фискал консолидация) бўйича ҳаракатлари ҳамда ички истеъмолни қондириш мақсадида минерал маҳсулотлар (нефть, газ ва электр энергия) импорти бўйича режаларидан келиб чиқиб, 2024 йилда **импорт ҳажми** 2023 йилга нисбатан 9-11 фоизга ўсиши, бунда товарлар импорти 10 фоизгача ва хизматлар импорти 6 фоизгача ошиши прогноз қилинмоқда.

Бирламчи ва иккиламчи даромадлар. 2024 йил давомида **бирламчи даромадлар**, тарихий кўрсаткичлардан фарқли ўлароқ, манфий сальдо (274 млн. долл.) билан шаклланиши кутилмоқда. Ушбу ҳолат, бир томондан, геосиёсий вазият ва унинг иқтисодий оқибатлари фонида қисқа муддатли меҳнат муҳожирларининг даромадлари нисбатан паст даражада ўсиши, бошқа томондан эса, сузувчан фоиз ставкаларда жалб қилинган ташқи қарзга хизмат кўрсатишнинг қимматлашиши билан изоҳланади.

Меҳнат миграцияси оқимининг анъанавий давлатлардан бошқа муқобил давлатларга ўтиши, ҳукуматлараро шартномалар доирасида муҳожирларни ташкилий асосда ишга қабул қилиш бўйича маҳсус дастурлар кўлами ҳамда меҳнат муҳожирларини қабул қилувчи асосий мамлакатлардаги иқтисодий фаоллик бўйича кутилмалар, шунингдек трансферлар ҳажмининг тарихий ўртacha ўсиш суръатларини инобатга олиб, 2024 йилда Ўзбекистонга халқаро пул ўтказмалари ҳажми 2023 йилга нисбатан 12-14 фоизга ошиши ва **иккиламчи даромадлар** компонентининг ижобий сальдо билан шаклланиши прогноз қилинмоқда.

Молиявий ҳисоб операциялари. 2024 йилда жорий операциялар ҳисоби дефицити асосан хорижий **тўғридан-тўғри инвестицияларнинг соғ** киритилиши (энергетика, тоз-кон, машинасозлик, кимё саноати, банк-молия ва бошқа соҳаларга киритилиши кутилаётган сармоялар ҳисобига 2022 йил даражасида бўлиши), **портфель инвестициялар** (халқаро капитал бозорларида янги өвробондлар жойлаштирилиши) ва **ташқи қарз маблағлари** жалб қилиниши ҳисобига молиялаштирилиши кутилмоқда.

¹ Пул-кредит сиёсатининг 2024 йил ва 2025-2026 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нашри, 2023 йил.

II. Муқобил сценарий

Муқобил сценарийда, тўлов баланси кўрсаткичларининг шакланишига қуйидаги **омиллар** таъсир қилиши мумкин:

- 1.** Геоиқтисодий фрагментация жараёнларининг кучайиши ва глобал иқтисодиётнинг маълум соҳаларида заифликларнинг ортиши (масалан, Хитойда ипотека инқирози) оқибатида Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларида иқтисодий ўсишнинг кутилмаларга нисбатан паст даражада бўлиши;
- 2.** Ўзбекистоннинг асосий экспорт хомашё товарларига ташқи ялпи талабнинг камайиши ҳамда қимматбаҳо металлар жаҳон нархларининг пасайиши;
- 3.** Глобал пул-кредит шароитларининг қатъий даражада сақланиб қолиши натижасида ташқи қарз маблағларига хизмат кўрсатиш харажатларининг ортиши;
- 4.** Геосиёсий вазиятнинг кескинлашиши, энергия ресурслари нархларининг пасайиши ҳамда санкцияларнинг кучайтирилиши оқибатида асосий жўнатувчи мамлакатларнинг валюта курсларидаги юқори тебранишларнинг кузатилиши ортидан пул ўтказмалари ҳажмининг камайиши;
- 5.** Ўзбекистонда иқтисодий фаолликнинг маълум даражада пасайиши (муқобил сценарийга кўра, 2024 йилда реал ЯИМ ўсиши бўйича прогноз 3-4 фоиз²) ва аҳоли реал даромадларининг мақбуллашиши натижасида импорт товарларига талабнинг камайиши.

² Пул-кредит сиёсатининг 2024 йил ва 2025-2026 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нашри, 2023 йил.

1-илова. 2021-2023 йилларнинг 9 ойи учун тўлов баланси

(таҳлилий кўриниши)

(млн. долл.)

Кўрсаткичлар	2021 йил 9 ой	2022 йил 9 ой	2023 йил 9 ой
А. Жорий операциялар ҳисоби сальдоси	-5 208,2	197,4	-4 797,0
Товарлар, кредит (экспорт)	8 509,0	12 453,2	14 099,4
Товарлар, дебет (импорт)	16 499,4	20 093,9	24 293,3
Хизматлар, кредит (экспорт)	1 680,8	3 432,5	3 789,6
Хизматлар, дебет (импорт)	3 544,9	5 324,1	5 553,2
<i>Товарлар ва хизматлар сальдоси</i>	<i>-9 854,5</i>	<i>-9 532,3</i>	<i>-11 957,6</i>
Бирламчи даромадлар, кредит	1 815,1	3 193,5	2 824,0
Бирламчи даромадлар, дебет	1 550,6	2 346,3	2 995,3
<i>Товарлар, хизматлар ва бирламчи даромадлар сальдоси</i>	<i>-9 589,9</i>	<i>-8 685,0</i>	<i>-12 128,9</i>
Иккиламчи даромадлар, кредит	4 827,8	9 531,7	7 867,8
Иккиламчи даромадлар, дебет	446,0	649,3	535,9
В. Капитал операциялари ҳисоби (олтин-валюта захираларидан ташқари)	4,0	11,6	7,9
Капитал операциялар ҳисоби, кредит	4,0	11,6	7,9
Капитал операциялар ҳисоби, дебет	0,0	0,0	0,0
<i>Жорий операциялар ҳисоби ва капитал операциялар ҳисоби сальдоси</i>	<i>-5 204,1</i>	<i>208,9</i>	<i>-4 789,1</i>
С. Молиявий ҳисоб	-4 466,2	1 231,5	-2 212,6
Тўғридан тўғри инвестициялар, активлар	1,9	3,3	11,1
Тўғридан тўғри инвестициялар, мажбуриятлар	1 876,7	1 706,7	1 351,8
Портфель инвестициялар, активлар	0,0	0,0	0,2
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	0,0	0,0	0,2
Қарз инструментлари	0,0	0,0	0,0
Портфель инвестициялар, мажбуриятлар	1 289,8	29,5	129,3
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	10,8	17,2	16,5
Қарз инструментлари	1 279,0	12,3	112,8
<i>Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари)</i>	<i>9,7</i>	<i>8,7</i>	<i>1,6</i>
<i>Ҳосилавий молиявий инструментлар, активлар</i>	<i>0,0</i>	<i>0,0</i>	<i>0,0</i>

Кўрсаткичлар	2021 йил 9 ой	2022 йил 9 ой	2023 йил 9 ой
Ҳосилавий молиявий инструментлар, мажбуриятлар	-9,7	-8,7	-1,6
Бошқа инвестициялар, активлар	2 860,2	9 857,2	3 504,0
Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари	0,6	0,4	0,4
Қарз инструментлари	2 859,6	9 856,8	3 503,6
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно	-80,3	3 391,3	-892,2
Давлат бошқарув сектори	-14,2	-15,3	-511,3
Бошқа секторлар	2 954,0	6 480,8	4 907,1
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ	2 954,0	6 480,8	4 907,1
Бошқа инвестициялар, мажбуриятлар	4 171,3	6 901,6	4 248,4
Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	4 171,3	6 901,6	4 248,4
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно	839,8	3 730,1	876,2
Давлат бошқарув сектори	574,8	671,4	895,4
Бошқа секторлар	2 756,8	2 500,2	2 476,8
Бошқа молиявий ташкилотлар	766,0	24,0	23,3
Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ	1 990,8	2 476,2	2 453,5
D. Соф хатолар ва йўқотишлар	-860,9	-404,3	-1 619,1
E. Умумий баланс	1 598,9	1 426,9	4 195,6
F. Захиралар ва улар билан боғлиқ моддалар	-1 598,9	-1 426,9	-4 195,6
Захира активлари	-1 599,0	-1 426,2	-4 195,3
ХВЖдан соф қарз жалб қилиш (ХВЖдаги захира позициясидан ташқари)	0,0	0,6	0,3
Бошқа молиялаштириш	0,0	0,0	0,0

Ушбу статистик ҳисобот тўлов балансини тузиш қўлланмасининг (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) 6-наширида келтирилган таҳлилий кўринишини акс эттиради.

**2-илова. 2021-2022 йиллар ва 2023 йилнинг 9 ойи учун
халқаро инвестицион позиция**

(млн. долл.)

Кўрсаткичлар	01.01.2022й.	01.01.2023й.	01.10.2023й.
Активлар	70 404,0	82 293,7	81 535,9
Тўғридан-тўғри инвестициялар	197,7	202,0	208,2
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	29,8	31,6	36,0
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	29,8	31,6	36,0
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	167,9	170,3	172,2
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	2,5	2,5	2,5
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	165,4	167,9	169,7
Портфель инвестициялар	2,5	2,5	2,6
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	2,5	2,5	2,6
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	1,1	1,1	1,1
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	1,4	1,4	1,5
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Қарз қимматли қоғозлари	0,0	0,0	0,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	0,0	0,0	0,0
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	0,0	0,0	0,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Хосилавий молиявий инструментлар (олтин валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	0,0	0,0	0,0

Кўрсаткичлар	01.01.2022й.	01.01.2023й.	01.10.2023й.
Бошқа инвестициялар	35 064,6	46 321,7	50 285,8
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	1,2	1,6	2,0
Қарз инструментлари	35 063,4	46 320,1	50 283,8
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	2 935,4	4 556,9	3 612,9
Давлат бошқаруви сектори	3,3	3,7	7,4
Бошқа секторлар	32 124,7	41 759,5	46 663,5
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Захира активлари	35 139,2	35 767,5	31 039,3
Монетар олтин	20 949,7	23 064,8	23 095,5
ХВЖдаги захира позицияси	0,0	0,0	0,0
Бошқа захира активлари	14 189,5	12 702,7	7 943,8
Мажбуриятлар	53 586,0	63 407,2	67 351,6
Тўғридан-тўғри инвестициялар	11 594,1	13 652,4	13 967,5
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	10 054,1	11 361,2	11 461,7
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	10 054,1	11 361,2	11 461,7
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	1 540,0	2 291,2	2 505,8
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	1 376,7	2 024,0	2 302,8
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестиацияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	163,3	267,2	202,9
Портфель инвестициялар	4 720,4	4 192,1	4 266,1
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	83,5	105,8	117,7
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	37,1	48,4	53,6
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	46,4	57,4	64,1
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,9	1,3	1,5

Кўрсаткичлар	01.01.2022й.	01.01.2023й.	01.10.2023й.
Қарз қимматли қоғозлари	4 636,9	4 086,3	4 148,4
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	993,2	893,9	1 028,3
Давлат бошқаруви сектори	2 669,2	2 375,0	2 272,7
Бошқа секторлар	974,5	817,3	847,5
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Хосилавий молия инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	11,5	2,0	0,2
Бошқа инвестициялар	37 259,9	45 560,8	49 117,8
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0
Бошқа қарз инструментлари	37 259,9	45 560,8	49 117,8
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	6 766,0	10 441,4	11 041,2
Давлат бошқаруви сектори	15 290,6	18 007,8	18 673,8
Бошқа секторлар	15 203,2	17 111,7	19 402,8
Бошқа молиявий ташкилотлар	72,2	105,0	118,3
Соф ҳалқаро инвестицион позиция	16 818,1	18 886,5	14 184,3